

## ВИТАМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Жўраева Салтанат Абдуллаевна,*

*Абдуллоева Гуларо Бекқуловна, Раҳмонова Гўзалхон Анваровна*

*Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон давлат табиат музейи*

*[Tabiatmuzey1876@mail.uz](mailto:Tabiatmuzey1876@mail.uz)*

**Аннотация:** Ушбу мақола кенг омма учун мўлжалланган бўлиб, витаминлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтилган.

**Annotatson:** This article is aimed at the general public and provides interesting information about vitamins and their importance.

**Калит сўзлар:** ДНК, кальцеферол, vita, эссенциал, микронутриент, тиамин (B1), рибофлавин (B2), пиридоксин (B6), ниацин (PP), фолацин ва ҳ.зо.

## ВИТАМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Витаминларни синфлаштириш. Организм ҳаёт фаолиятида витаминларнинг аҳамияти. “Витаминалар” атамаси (лотинча vita – “ҳаёт” сўзидан олинган) ҳозирги вақтда умумқўлланилувчи бўлиб, ушбу озуқа моддалари гурӯхига кирувчи бирикмаларнинг ҳаммаси ҳам ўз таркибида аминогурухга эга бўлавермайди. Умумий ўхшашликларга эга бўлган органик табиатли кимёвий бирикмаларнинг 15 та гурӯхи витаминларга киради:

- улар асосий алмашинув жараёнларида муайян ўрин тутади;
- инсон организмида керакли миқдорда ҳосил бўлмайди ва овқат билан бирга тушиб туриши керак;
- микронутриентларга киради, яъни уларга бўлган кундалик эҳтиёж микромиқдор (миллиграмм ёки микрограмм)да ифодаланади;
- уларнинг овқат билан бирга тушгандаги гиповитаминос (витамин этишмовчилиги) ҳолатлари клиник ва (ёки) лабораториявий аломатларга эга бўлади.

Шу тариқа, **витаминалар** – бу эссенциал микронутриентлар гурӯхи бўлиб, метаболик жараёнларнинг маромлаштирилиши ва ферментатив таъминланишида иштирок этишади, аммо пластик ва қувватий аҳамиятга эга бўлишмайди. Витаминалар уларнинг сувда ёки ёғда эришига қараб синфлаштирилади. Суда эрийди гана витаминаларга қўйидагилар киради: аскорбат кислота (C), биофлавоноидлар, В гурӯхи витаминалари – тиамин (B1),

рибофлавин (B2), пиридоксин (B6), ниацин (PP), фолацин, B12 витамины, пантотенат кислота, биотин (H). Ёнда эрийдиган витаминалар қуидагилардир: А витамины, каротиноидлар (А провитамины), шунингдек, Е, D, К витамины. Сувда эрийдиган витаминалар ферментатив ҳужайравий жараёнларда бевосита коферментлар кўринишида иштирок этишади ёки функционал групкалар ёхуд протонлар ва электронларнинг кўчирилиши ҳисобига жараён динамикасини бошқаради.



Ёнда эрийдиган витаминалар биологик мембраналарнинг нормал ишлашини таъминлаш учун масъул бўлиб, бунда ўзига хос гормонсимонлик хусусиятларини намоён этади. Сўнгги йилларда алмашинув жараёнларининг ирсий регуляциясида витаминалар иштирокининг эҳтимолий механизmlари фаол ўрганилмоқда.

Витаминаларнинг овқат билан бирга етарлича тушмаслиги оқибатида патологик ҳолатлар – авитаминозлоар, масалан, цинга, пелагра, бери-бери, рапит (чиллашир) ва озуқавийлик статуси бузилиши – гиповитаминозлар ривожланиб, улар бир қатор клиник кўринишлари ва асосан организм витаминалар билан таъминланганлигининг биомаркерлар бўйича баҳоланишига қараб қайд этилади. Мутлақ ёки нисбий витамин етишмаслиги ривожланишининг сабаблари қуидагилар бўлиши мумкин:

- алиментар витамин танқислиги, яъни рационда уларнинг асосий манбалари кам микдорда бўлиши;

- витаминларга ортиқча әхтиёж;
- витаминалар абсорбсияси ва метаболизланиши (алмашинуви) бузилиши.

**Алиментар витамин танқислиги** күпинчә уларнинг манбай бўлган озиқовқат маҳсулотларини кам истеъмол қилиш, шунингдек, маҳсулотда ёки таом норационал сақланганлиги ва пазандалик ишлови берилганлиги оқибатида улардаги витаминалар парчаланиб кетганлиги, антивитаминалар (витаминни парчаловчи ферментлар) мавжуд бўлганлиги оқибатида ривожланади.

**Витаминаларга ортиқча әхтиёж** бегона бўлган (экологик ёки ишлаб чиқариш) юкламалар шароитида яшаш ва ишлаш, ўзига хос иқлим шароитларида, қизғин жисмоний ва руҳий зўриқишилар (стрессли шароитлар), асосий макронутриентлар ошиқча тушиши, шунингдек, ҳомиладорлик, болани кўкрак сути билан эмизиб боқиши ва бир қатор касалликларнинг ҳимояловчи-мослаштирувчи механизмларида қўшимча (одатдаги физиологик әхтиёжлардан ташқари) сифатида юзага келади.

Яхши алиментар таъминлаш фонида гиповитаминон ривожланишига кўпроқ **витаминаларнинг абсорбцияланиши ва метаболизланиши (алмашинуви)** бузилишлари сабабчи бўлади. Хусусан, ошқозон-ичак йўлларида витаминаларнинг сўрилишига овқат таркибида мавжуд бўладиган антиалиментар омиллар: овқат толалари, фитинли бирикмалар сингари витамин олинувчи бирикмалар ёки табиий сорбентлар ҳалақит беради.

Витаминалар абсорбцияланишининг пасайиши кислоталиликнинг физиологик кўрсаткичлари, секрециялар, ферментатив фаоллик, мембраналарнинг ўтказувчанлиги ёки ошқозон-ичак йўллари ичидаги нарсалар ташқарига чиқариб ташланадиган (қайт қилиш, диарея) касаллик кўринишлари билан бирга кечадиган ошқозон-ичак йўллари касалликлари (гастритлар, дуоденитлар, холециститлар, панкреатитлар) билан боғлиқдир. Рационнинг макронутриентлар бўйича сезиларли мувозанатланганлигига витаминаларнинг сўрилиши сезиларли пасаяди. Масалан, ёғ истеъмол қилиш кескин камайиши (рацион калориялигининг 10 % идан кам)да ёғда эрийдиган витаминаларнинг сўрилиши, ҳатто улар қўшимча тушганида ҳам, тўхтаб қолади. Ёғ эришини чеклаб қўювчи баъзи дори воситалари (масалан, статинлар) қўлланилганда ёғда эрийдиган витаминаларнинг сўрилиши кескин пасаяди.

Витаминалар ўзлаштирилиши (ассимиляция)нинг ҳаракати ва ҳужайравий даражада бузилиши кўпинчә баъзи бир алмашинув ва биосинтетик жараёнларнинг ирсий нуқсонлари оқибатида кузатилади.



**Аскорбат кислота.** Аскорбат кислотаси сифатида маълум бўлган С витамини кўпгина сут эмизувчилардан фарқли ўлароқ, инсон организмида синтезланмайди ва овқат билан бирга етарли миқдорда тушиб туриши керак. Аскорбат кислота иссиқлик ишловига нисбатан ўта бардошсиз бўлади ва сабзавот (мева)ларни кислород етарли бўлган қаттиқ қайнатиш пайтида ёки суюқ овқатларни усти очик ҳолда иситганда 2 ... 3 дақиқадаёқ тўлиқ парчаланиб кетади. Темир идишлар ёки майший ошхона анжомларининг темир қисмлари билан алоқада бўлиш ҳам аскорбат кислотанинг парчаланишига олиб келади. Озиқ-овқат маҳсулотларини тез музлатиш улардаги С витаминининг миқдорини пасайтирумайди, аммо унинг тайёр таомдаги миқдори дефростация ва кейинги пазандалик ишловига боғлиқ бўлади. Нордон муҳитда аскорбат кислотанинг бардошлилиги ошади, шу сабабли ҳам pH паст бўлган маҳсулотлар, айтайлик, цитрус шарбатларида С витамини миқдори узоқ вақтгача сақланади. Олма, картошка, карам ва бошқа сабзавот ва меваларни сақлашда аскорбат кислотанинг сезиларли парчаланишини юз беради ва 4 ... 5 ой сақлангандан сўнг (ҳатто чекловларга риоя қилинган тақдирда ҳам) ушбу маҳсулотлардаги С витамини миқдори 60-80 % га пасаяди. Аскорбат кислота овқат билан ҳақиқий тушишини ҳисоблаганда, унинг пазандалик ишловидан сўнгги йўқолиши 50 фоиз деб ҳисобланади.




РИА  
Новости | РОССИЯ  
СЕГОДНЯ

**Сўрилиши ва физиологик функциялари.** Аскорбат кислота ингичка ичакда қарийб тўлиқ сўрилади ва қонда айланиб юриб, аъзолар ва тўқималарда тақсимланади, ортиқчаси эса бир неча соат ичида пешоб билан бирга чиқариб ташланади. Ичаклар орқали ва тер билан йўқотишлар, одатда, аҳамиятсиз даражада бўлади. Организмда аскорбат кислота ўзининг оксидловчи-тикловчи реакцияларга киришиш қобилияти билан биокимёвий боғлиқ бўлган бир қатор хаётий муҳим функцияларни бажаради. С витамини қон томирлари, суяклар, пайлар, мушак пардаларининг асосий таркибий қисми ҳисобланадиган ва уларнинг функционаллиги ва чидамлилигини оширадиган бириктирувчи тўқималарнинг асосий тузилмавий оқсили – коллагеннинг синтезида иштирок этади. Шунингдек, С витамини нейротрансмиттерлар – норадреналин, серотонин, шунингдек, холестериндан ўт кислотаси синтезланиши (гипохолестеринемия таъсирининг эҳтимолий механизми)да, кортикостероид гормонларининг гидроксидланишида (айниқса, стресс пайтида фаоллашади) муҳим ўрин тутади.

Аскорбат кислота – бу оқсиллар, липидлар, ДНК ва РНКни эркин радикаллар ва пероксидларнинг шикастловчи таъсиридан бевосита ҳимоялашни таъминловчи антиоксидантдир. У тикланган глутатионнинг оптималь ҳужайравий даражасини сақлаб туради ва ферментларни SH-гурухи оксидланишидан ҳимоялайди, шунингдек, антиоксидантлик фаоллигини йўқотган токоферолни қайта тиклайди.

С витамини бир қатор микронутриентлар алмашинувига, хусусан, учвалентли темирнинг сўрилувчи икки валентли шаклда қайта тикланишида ёрдамлашиб, ўсимлик манбаларидағи алиментар темирнинг биологик ўзлаштирилиши ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Аскорбат кислота ва тиамин, рибофлавин, ниацин, фолат ва пантотенат кислотлар, биофлавоноидлар орасидаги синергик алоқа кўрсатилган. Сўнгти йилларда С витамини организмнинг нормал иммунореактивлиги ҳужайравий ва гуморал даражада сақлаб турилишида иштирок этиши ҳақида кўплаб исботлар олинган.



**Беморнинг организми фаолиятида витаминларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Фарзандларимиз касал бўлиб қолганида асосий даволашдан ташқари албатта, витаминлар ҳам тавсия қилинади.**

А, В, С, РР, ... каби витаминлар гуруҳи борлигини биламиз. Бироқ бу дармондорилар қандай аҳамиятга эгалиги ва у қайси маҳсулотларда мавжудлиги ҳақида ҳаммамиз ҳам тушунчага эга эмасмиз. Қуйида ушбу дармондорилар тўғрисида маълумот берамиз.

**А витамины** боланинг ўсишига таъсир қиласи. Организмнинг инфекцияларга қарши чидамлигини оширади. Терини ва шиллик пардаларни нормал ҳолатда тутиб туради. Моддалар алмашинувида, хусусан, ёғ алмашинувида қатнашади. А витамины организмга етарли миқдорда тушиб турмаса инфекцияларга қарши чидамлилик сусайиб кетади. Тери ва шиллик пардалар қуруқ бўлиб қолади. Кўзнинг қуввати пасаяди. Бу витамин балиқ мойида, сариёғда, тухум саригида, сутда кўп бўлади. Ўсимлик маҳсулотлари (помидор, сабзи, апельсин ва бошқалар)да каротин бор. У организмда витамин А га айланади.

**Д витамины** (кальциферол) организмда кальций ва фосфорнинг алмашинувига ёрдам беради. Шунингдек, суюк тўқимасининг шаклланишига ва ижобий ўсишига таъсир қиласи. Бу витамин ракитнинг олдини олиш ва

даволашда қўлланилади. Д витамини балиқ мойи, жигар, гўшт маҳсулотлари, тухум саригида мавжуд.

**B1 витамини** (тиамин) марказий асаб тизими фаолияти ва углевод алмашинуvida қатнашади. У сут, тухум сариёғ, гўшт, жигар, нон, сули ёрмаси ва нўхат каби маҳсулотлар таркибида учрайди.

**B2 витамини** оқсил ва углевод алмашинуvida муҳим рол ўйнайди. Бу витамин овқатнинг меъда-ичак тизимида яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Унинг организмга етарли миқдорда тушиб турмаслиги натижасида вазн камайиб, беҳоллик кузатилади. Кўз шиллиқ пардаларида ўзгариш пайдо бўлиши, тери касалликлари юзага келиши мумкин. B2 витамининг энг муҳим манбалари – сут, пишлоқ, творог, тухум, гўшт ва нон ҳисобланади.

**B6 витамини** В гуруҳидаги бошқа витаминлар билан бир қаторда оқсил алмашинуvida қатнашади. Асаб тизими фаолиятига ва қон яратилишига ижобий таъсир қиласи. Организмга B6 витамини етарли даражада тушиб турмаса жаҳлдорлик, ҳолсизлик, терининг заарланиши кузатилади. Бу витамин гўшт, жигар, балиқ, тухум сарифи, мева-сабзавот маҳсулотлари таркибида учрайди.

**PP витамини** хужайралар алмашинуви жараённида муҳим роль ўйнайди. Организмнинг оксидланиш жараёнларида қатнашади. Томир таранглиги ва қон ҳосил бўлишига ижобий таъсир қиласи. PP витамини гўшт, сут, буйрак, жигар, нон, картошка, гречиха ёрмасида бўлади.

**B12 витамини** оқсил алмашинуvida қатнашади. Организмнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этади. Қон ҳосил бўлишида жуда катта аҳамиятга эга. B12 витамини сут, пишлоқ, гўшт, жигар, буйрак, тухум сариги таркибида мавжуд.

**C витамини** углевод, оқсил ва минераллар алмашинуvida, организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида ва қон ҳосил бўлишида иштирок этади. C витамини организмнинг инфекцияларга чидамлилигини оширади ва тўқималар ҳамда хужайраларнинг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, майда қон томир (капилляр)ларнинг деворини мустаҳкамлайди. Бу витамин мева-сабзавотлар таркибида кўп бўлади. C витамини ёруғлик ва қайнаш жараённида тез парчаланиб кетгани боис маҳсулотларни тўғри сақлаш ва пишириш муҳим аҳамиятга эга.

Боланининг ривожланишида витаминларнинг аҳамияти катта. Витаминлар моддалар алмашинуви жараёнининг назоратчилариидир. Айниқса, улар боланинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига бевосита алоқадор бўлади. Касалликларга қарши чидамини оширади, яъни иммунитетни мустаҳкамлайди. Ўсиш даврида боланинг витаминларга бўлган эҳтиёжини қондириш, унинг келажакда соғлом бўлиб ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

**B12 витамины** оқсил алмашинуvida қатнашади. Организмнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этади. Кон ҳосил бўлишида жуда катта аҳамиятга эга. B12 витамины сут, пишлоқ, гўшт, жигар, буйрак, тухум сарифи таркибида мавжуд.

**С витамины** углевод, оқсил ва минераллар алмашинуvida, организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида ва қон ҳосил бўлишида иштирок этади. С витамины организмнинг инфекцияларга чидамлилигини оширади ва тўқималар ҳамда хужайраларнинг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, майдо қон томир (капилляр)ларнинг деворини мустаҳкамлайди. Бу витамин мева-сабзавотлар таркибида кўп бўлади. С витамины ёруғлик ва қайнаш жараёнида тез парчаланиб кетгани боис маҳсулотларни тўғри сақлаш ва пишириш муҳим аҳамиятга эга.



Боланинг ривожланишида витаминларнинг аҳамияти катта. Витаминлар моддалар алмашинуви жараёнининг назоратчилариидир. Айниқса, улар боланинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига бевосита алоқадор бўлади. Касалликларга қарши чидамини оширади, яъни иммунитетни мустаҳкамлайди.

Инсон организмида заифлик, терининг қуруқлиги ва тирноқларнинг синувчанлиги фойдали моддалар етишмаётганидан дарак беради. Бунда киши организмига қандай витаминлар етишмаётганини аниқлаш йўллари устида тўхталмоқчимиз. Организмда қандай витаминлар етишмаётганини аниқлаш учун киши ўз танаси ташқи кўринишига – соchlари, териси ва тирноқлари ҳолатига эътибор бериши лозим, улар инсон соғлиғи ҳақида аниқ маълумот беради.

1. Агар бирон аъзойингизни қаттиқ нарсага енгил уриб олганда, **кўкариш пайдо бўлса**, ва у узок вақт тузалмаётган бўлса, организмда **C, K ва P витаминлари** етишмаётганидан дарак беради.

**Бу витаминлар:** цитрус меваларида, рангли карамда, кўк қалампирда, турли меваларда ва помидорларда мавжуд.

2. Тез-тез бош айланиши, қулоқ шанғиллаши **B3 ва E витаминлари, калий ва магний моддалари** етишмаслигидан хабар беради. Бу витаминлар истеъмол қилинганда фаоллиги **C витамини** билан қўшилса, таъсири янада кучаяди.

**Бундай ҳолатда** ёнғоқ, турли баргли (лавлаги, сабзи каби) сабзавотлар, яшил нўхот, тухум, цитрус мевалари, банан ва кунгабоқар пистаси каби нози-неъматлар истеъмол қилиш тавсия этилади.

**3. Кўзлар қизариши, уларнинг қуруқшаси ва ачишиши, қоронғига мослашишнинг қийин кечиши A ва B2 витаминлари** етишмовчилигидан хабар беради. B2 витамини ёғ-мой маҳсулотлари билан ўзлаштирилади.

Бунда сабзи, зайдун ёғи, жигар, балиқ, тухум, сариёғ, яшил сабзавот, салат, сут ва пишлоқ истеъмол қилиш тавсия этилади.